

МУЛК ҲУҚУҚИНИНГ БЕКОР БЎЛИШИ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ АҲАМИЯТИ**Мамарасулова Дилобар***ТДЮУ Ихтисослаштирилган филиали**2-курс талабаси.***У.И.Шоназаров***Илмий раҳбар Давлат-ҳуқуқий фанлар**кафедраси катта ўқитувчиси*

Аннотация: мақолада муаллиф мулк ҳуқуқининг бекор бўлиши тушунчаси ва унинг аҳамиятини фуқаролик-ҳуқуқий ҳамда қонунчилик нуқтаи назаридан қисқача таҳлил қилган. Шунингдек, мулк ҳуқуқининг бекор бўлиши масаласига оид назариётчи олимларнинг билдирган фикрлар таҳлили ҳам амалгалга оширилган.

Калит сўзлар: мулк ҳуқуқи, мулк ҳуқуқининг бекор бўлиши, юридик факт, давлат манфаатлари, жамият манфаатлари, мулкнинг дахлсизлиги.

Мулк ҳуқуқи фуқаролик ҳуқуқининг марказий ва асосий институти ҳисобланади. Деярли барча фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар мол-мулк ва унинг муомаласи билан боғлиқликда юзага келади. Мулкни эгаллаш, ундан фойдаланиш ва тасарруф этиш фуқаролик ҳуқуқи субъектлари учун энг муҳим масалалардан саналади. Шу сабабли фуқаролик ҳуқуқи субъектлари учун мулк ҳуқуқининг вужудга келиши қанчалик муҳим бўлса, унинг бекор бўлиши ҳам шу даражада аҳамиятлидир.

Мулк ҳуқуқининг вужудга келиши муайян юридик фактларга асосланганидек, мулк ҳуқуқининг бекор бўлиши ҳам юридик хатти-ҳаракатлар, воқъеа-ҳодисалар натижасида содир бўлади. Бунда мулк ҳуқуқи эгасининг хоҳиш-иродаси ҳамда унинг истагига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар оқибатида мулк ҳуқуқи бекор бўлиши мумкин. Масалан, мулкдор ўзига тегишли мол-мулкни йўқ қилиб ташлаши ёхуд унинг сотиб юбориши натижаси мулк ҳуқуқи бекор бўлса, турли табиий офатлар натижасида мол-мулкнинг нобуд бўлиши ҳам мулк ҳуқуқининг бекор бўлишига олиб келади.

Мулк ҳуқуқининг бекор бўлиш тартиботини ўрганишда жамият ва мулкдор манфаатларининг ўзига хос тўқнашувини кузатиш мумкин. Бозор муносабатларини ривожлантириш учун уларнинг ўртасидаги мувозанатни сақлаш зарур ва бунга мулкчилик тизими муносабатларининг тартибга солиш жараёнида эришилади.

Хусусий мулкнинг дахлсизлигини эътироф қилаётган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 53-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ, "...Мулкдор ундан фақат қонун томонидан кўзда тутилган ҳолларда ва тартибда махрум этилиши мумкин" дейилган. Мазкур кўрсатмага таянган ҳолда ФК мулк

ҳуқуқининг бекор бўлишининг асосларини, шунингдек ФКнинг биринчи моддасида ўрнатилган мулкнинг дахлсизлиги тамойилига асосланган ҳолда ҳам тартибга солади. Фуқаролик қонунчилигининг негизига кирган мулкнинг дахлсизлиги тамойили бозор иқтисодиёти шароитида мулк муомаласининг барқарорлигини қўллаб қувватлашда, мулкдор учун мол-мулкидан ўз хоҳишига кўра ва ўз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда фойдаланиши учун ҳар томонлама қулай шарт шароитларнинг яратилишида муҳим ўрин тутди. Мулк ҳуқуқи бекор бўлиши асосларининг фуқаролик-ҳуқуқий белгиланиши асосан фуқаролар ва юридик шахслар хусусий мулкнинг дахлсизлигини таъминланиши учун қаратилган¹².

И.Б.Зокировнинг фикрича, мулк ҳуқуқининг бекор бўлиши орқали мулкдор ўз мулкига нисбатан барча ҳуқуқларни йўқотади. Мулк ҳуқуқининг бекор бўлиши орқали мулкнинг тақдири бошқа мулкдор билан боғланиши ёки умуман ашёвий йўқ қилиниши мумкин¹³.

Мулк ҳуқуқининг бекор бўлиши ўз-ўзидан ва ҳар қандай хатти-ҳаракат натижасида эмас, муайян юридик фактларнинг юз бериши билан амалаг оширилади. Бундай юридик фактлар мулкдорнинг ашёга нисбатан ҳуқуқини бекор бўлишига олиб келади. Масалан, фуқаро А ва Б ўртасида енгил автомашинани сотиш шартномаси тузилди, унга кўра А шартномада белгиланган автомашинани Бга мулк қилиб топшириши, Б эса уни қабул қилиш мажбуриятини олиши биринчи шахсда мулк ҳуқуқининг бекор бўлиши ва иккинчи шахс (Б) да мулк ҳуқуқининг вужудга келишига олиб келади.

Мулк ҳуқуқининг бекор бўлиши учун фақат битта юридик фактнинг мавжудлиги етарли бўлмайди. Масалан, кўчмас мол-мулкка нисбатан мулк ҳуқуқининг бир шахсдан иккинчи шахсга ўтиши яъни, мол-мулкка нисбатан мулк ҳуқуқининг бекор бўлиши учун олди-сотди битимининг амалга оширилиши етарли бўлмайди, бу ҳолатда давлат рўйхатидан ўтказилиши ҳам талаб этилади (ФКнинг 481-моддаси 1-қисми). Айрим ҳолатларда бир неча юридик фактлар бирикмасидан ташкил топувчи юридик таркибнинг бўлиши талаб этилади. Юридик таркиб деганда, ҳуқуқ нормасида белгиланган юридик оқибатларни вужудга келтириш учун зарур бўлган юридик фактларнинг уйғунлиги тушунилади¹⁴.

Қоидаги кўра, мулк ҳуқуқи шахсга тегишли субъектив фуқаролик ҳуқуқи бўлиб, у дахлсиз ва муддатсиздир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддаси 2-қисмига биноан «Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкдан маҳрум этилиши мумкин».

¹² Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига шарҳ. 1-жилд. – Тошкент: Vektor-Press, 2010. – Б. 492-493.

¹³ Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи. 1-қисм. – Тошкент: ТДЮИ, 2009. - 383 б.

¹⁴ Жамалов Н.К. Фуқаролик ҳуқуқида юридик фактларнинг назарий ва амалий асосларини такомиллаштириш: Юрид. фан. номз. дис. ... – Тошкент: 2012. – 48 б.

Мулк ҳуқуқининг бекор бўлиш асосларининг қонунда белгиланиши мулк ҳуқуқининг дахлсизлигини таъминлашга хизмат қилади. Фуқаролик қонунчилиги нормалари фуқароларнинг, юридик шахсларнинг фуқаролик ҳуқуқининг бошқа субъектларининг мулкни ҳарқандай шахс томонидан, шунингдек, давлат ва ўзини ўзи бошқариш органларининг тажовузидан ҳимоя қилишга йўналтирилган ва хизмат қилади. Мулк дахлсизлиги тамойилининг эълон қилинганлиги ва ФКнинг нормаларида мустақамланганлиги мулкчиликнинг асоси ҳисобланган мулкий муносабатларнинг бир маромдалигини таъминлашга хизмат қилади.

Мулкнинг дахлсизлиги тамойили хусусида юридик адабиётларда турли фикрлар билдирилган. И.Зокиров ва М.Баратовларнинг фикрича, мулкнинг дахлсизлиги мулкдорга қарши турган барча субъектларнинг унинг мулк ҳуқуқини бузишдан ўзларини сақлашларидан иборатдир. Мулкдор қонун йўл қўйган асосларда, доирада ўз мол-мулкига ўзи эгалик қилади, ўзи фойдала-нади, ўзи тасарруф этади. Бу унинг конституциявий ҳуқуқидир. Унга ташқи томондан тазйиқ ўтказишга, унинг ички ишларига аралашушга, мол-мулкни олиб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас. Ҳаттоки мулкдорнинг ўз ҳуқуқини амалга оширишдан воз кечиши ҳам унинг мулк ҳуқуқини бекор қилмайди¹⁵.

Д.М.Караходжаеванинг фикрига кўра, мулкнинг дахлсизлигини таъминлаш, уни ҳимоя қилиш усуллари ва чораларининг белгиланганлиги ҳамда уларнинг қонун ҳужжатларида мустақамланганлиги билан белгиланади¹⁶.

Д.А.Чинниевнинг фикрига кўра, мулкнинг дахлсизлиги мулкдорнинг ўз мулкига нисбатан мулк ҳуқуқини тўсқинликларсиз амалга ошириш ва айна пайтда ушбу фаолиятга ташқи аралашувларни бартараф этиш, шунингдек, ушбу ҳуқуқлар бузилганда уларни тиклаш имконияти кафолатларининг таъминланганлик ҳолатидир¹⁷.

Маълумки, мулк ҳуқуқининг дахлсизлиги тамойилининг мазмуни Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 36-моддаси, 53-моддаси, ФК 164, 166 ва 197-моддаларида ифодаланади. Конституциянинг 53-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ, хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкдан маҳрум этилиши мумкин.

Мулк дахлсизлиги тамойилининг моҳияти, мулк ҳуқуқининг мутлоқлик хусусиятидан ҳам келиб чиқиб белгиланади. Мулк ҳуқуқининг мутлоқлик хусусияти, бу ҳуқуқнинг барча шахсларга нисбатан мазкур ҳуқуқни бузиш-дан ўзларини тийиб туришларини англатади¹⁸. Ҳар қандай учинчи шахсдан ашёвий

¹⁵ Зокиров И., Баратов М. Мулк нима? Мулкдор ким? – Тошкен: ТДЮИ, 2003. - 11-12 б.

¹⁶ Караходжаева Д.М. Проблемы права собственности юридических лиц в Республике Узбекистан. - Ташкент: ТГЮИ, 2007. - 156 с.

¹⁷ Чинниев Д.А. Гарантии осуществления права собственности в Республике Узбекистан. Автореф. дис...канд.юирд.наук. – Ташкент: 2010. – 15 с.

¹⁸ Скловский К.И. Собственность в гражданском праве. -М.:Дело, 2000. -153 с.

хуқуқнинг ҳимояланганлиги, бир вақтнинг ўзида ҳар қандай учинчи шахслар томонидан бу ҳуқуқни бузиш имкониятини вужудга келтириши мумкин¹⁹. Бу эса ҳар доим мулкдорнинг мол-мулкка бўлган дахлсизлик ҳуқуқи давлат томонидан тегишли кафолатлар белгиланишини талаб қилади²⁰.

ФҚнинг 164-моддасида белгиланган қоидага биноан, мулк эгаси ўзининг мулкка бўлган ҳуқуқини ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузишни бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлди. Ушбу ҳуқуқ муҳим аҳамиятга эга. Эндиликда фуқарога, корхонага, хўжаликка тегишли бўлган мол-мулкни турли сабаблар ва ҳар хил йўл билан давлат идоралари ва мансабдор шахслар томонидан олиб қўйиши, мулкдан эркин фойдаланиш учун тўсиқликлар яратиш ғайриқонуний ҳисобланади.

Хусусий мулк ҳуқуқини бекор қилиш мол-мулкни йўқ қилиш (тугатиш) натижасида ҳам юз бериши мумкин. Бундай бўлишига ФҚнинг 198-моддасига мувофиқ қонунларга зид бўлмаган ҳолларда йўл қўйилади. Масалан, мол-мулкни асраб қолиш учун зарур бўлган чораларни кўрмаслик ёки ташлаб қўйиш, хўжасизларча сақлаш натижасида мулк ҳуқуқини бекор қилишга йўл қўйилади. Бундай қоида биринчи галда тарихий ёки маданий бойликларга тааллуқлидир. Алоҳида ҳолларда агар улар йўқ қилинган бўлса, унинг қиймати ундириб олиниши кўзда тутилади. Бундай қоида ни ўрнатилиши халқ маданият даражасининг ривожланишидан дарак берувчи ёдгорликларни сақлаб қолиш, унинг моддий ва маданий бойликларини авайлаш ва асраш учун муҳим аҳамиятга эга.

Умуман олганда, мулк ҳуқуқининг бекор бўлиши деганда, қонунда белгиланган асосларга кўра мулкдорнинг ўз мол-мулкига нисбатан ҳуқуқлари бекор бўлишига олиб келадиган юридик фактларга айтилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига шарҳ, I-жилд. – Тошкент: Vektor-Press, 2010. – Б. 492-493.
2. Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи. I-қисм. – Тошкент: ТДЮИ, 2009. - 383 б.
3. Жамалов Н.К. Фуқаролик ҳуқуқида юридик фактларнинг назарий ва амалий асосларини такомиллаштириш: Юрид. фан. номз. дис. ... – Тошкент: 2012. – 48 б.
4. Зокиров И., Баратов М. Мулк нима? Мулкдор ким? – Тошкен: ТДЮИ, 2003. - 11-12 б.
5. Караходжаева Д.М. Проблемы права собственности юридических лиц в Республике Узбекистан. - Ташкент: ТГЮИ, 2007. - 156 с.

¹⁹ Райхер В.К. Абсолютные и относительные права. -275 с.

²⁰ Мухаммадиев А.А. Фуқаролик ҳуқуқи тамойилларининг назарий ва амалий муаммолари. –Тошкент: ТДЮИ, 2010. – Б. 107-108.

6. Чинниев Д.А. Гарантии осуществления права собственности в Республике Узбекистан. Автореф. дис...канд.юрид.наук. – Ташкент: 2010. – 15 с.
7. Скловский К.И. Собственность в гражданском праве. -М.:Дело, 2000. - 153 с.
8. Райхер В.К. Абсолютные и относительные права. -275 с.
9. Мухаммадиев А.А. Фуқаролик ҳуқуқи тамойилларининг назарий ва амалий муаммолари. –Тошкент: ТДЮИ, 2010. – Б. 107-108.